

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент  
шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро  
судига

Даъвогар

Тошева Муқаддас Бозоровна,  
30.03.1981 й. т., Тошкент ш., Олмазор  
тумани, Аскарлар кўчаси, 1Б-уй  
Тел. \_\_\_\_\_

Жавобгар

Тошев Болтабой Темирович,  
30.12.1980 й. т., Тошкент ш., Мирзо  
Улуғбек тумани, Ўқчилар майдони  
кўчаси, 40-уй  
Тел. \_\_\_\_\_

**ДАЪВО АРИЗАСИ**  
(никоҳни бекор қилиш)

Жавобгар Тошев Б.Т. билан никоҳимиз 13.01.2001 й. кунини қайд этилган Турмушимиздан икки нафар вояга етмаган 10.10.2002 йилда туғилган Тошева Нигора Болтабой қизи ва 11.11.2003 йилда туғилган Тошев Фарход Болтабой ўғли исмли фарзандларимиз бор.

Жавобгар билан эр-хотинлик муносабатларимиз 2014 йил май ойида тугатилган ва бирга яшамаймиз, умумий рўзгор юритмаймиз. Оиламиз барбод бўлишига сабаб, ўзаро характеримиз ва дунёқарашимиз тўғри келмаслиги. Бунинг оқибатида жавобгар оилада тез-тез жанжал кўтарадиган бўлиб қолди. Орамиздаги муросаларга қарамай, биргаликда яшаб кўрдик, лекин бир неча бор оилани сақлаб қолишга қилган ҳаракатларим зое кетди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 40-41, 45 моддаларига асосан,

**СУДДАН:**

Мен ва жавобгар Тошев Б. ўртадаги никоҳни бекор қилишини сўрайман.

Илова:

- 1) давлат божи тўланганлик ҳақида тўлов чиптаси;
- 2) даъво ариза нусхаси;
- 3) никоҳ тузилганлик ҳақида гувоҳнома (асли);
- 4) туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхалари;
- 5) яшаш жойидан маълумотлар (ёки тарафларга манзил маълумотномаси).

\_\_\_\_\_ Тошева М.

(имзо)

*Изоҳ. Агар оиланинг вояга етмаган фарзандлари бор бўлса ёки умумий фарзандлар мавжуд бўлмаса, туман ФХДЁ идорасидан маълумотнома тақдим этилиши керак.*